

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 17

Бухоро шаҳри

«19» «январь» 2022 йил

ООО «Axmedov Bobur Chorvasi» корхонаси, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Б.Ахмедов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро вилоят юкумли касалликлар шифохонаси (корхона, ташикilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи ва бош врач Холлов.Ў.А (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган сут(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса сут(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Сут	литр	152	4000	608000
	Жами				608 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган сут (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» Декабрғача 2022 йилғача

## ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 608 000 (Олти юз саккиз минг) сумни ташикilot этади
- 2.2. Сотиб олинадиган сут (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 182400 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташикilot қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг \_\_\_\_\_ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 425600 сўмни яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташикilot этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" декабрғача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
  - 3.1.1. Сут (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
  - 3.1.2. Сут (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
  - 3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган сутлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз сут (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
  - 3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
  - 3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ сут (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
  - 3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
  - 3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
  - 3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.